## Совет Социалистик Жумҳуриятлари Иттифоқининг Қонуни

# ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ СИСТЕМАСИ ТАКОМИЛЛАШТИРИЛИШИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ССЖИ КОНСТИТУЦИЯСИ (АСОСИЙ ҚОНУНИ)ГА ЎЗГАРТИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА

ССЖИ халқ депутатлари Съезди **қарор қилади:**

ССЖИ Конституцияси (Асосий Қонуни)га қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1. 34-модда қуйидаги мазмундаги учинчи қисм билан тўлдирилсин:

«Айрим тоифадаги фуқароларга имтиёзлар фақат қонун асосида белгиланади. ССЖИда ҳеч ким ғайриқонуний имтиёзлардан фойдаланиши мумкин эмас».

2. 77-модданинг биринчи қисмидаги «ССЖИ ҳукуматида» сўзлари ўрнига «ССЖИ Вазирлар Маҳкамасида» сўзлари ёзилсин.

3. 91-моддадан иккинчи қисмнинг иккинчи жумласи чиқариб ташлансин.

4. 96-модданинг тўртинчи қисмидаги «ССЖИ Министрлар Совети» сўзлари «ССЖИ Вазирлар Маҳкамаси» сўзлари билан алмаштирилиб, «ва давлат ҳакамлари» сўзлари чиқариб ташлансин.

5. 108-модданинг учинчи қисмидаги:

7-банд чиқариб ташлансин;

8-банддаги «ССЖИ Халқ назорати комитетининг раиси» сўзлари чиқариб ташлансин, «ССЖИ Бош давлат ҳаками» сўзлари эса «ССЖИ Олий ҳакамлик судининг раиси» сўзлари билан алмаштирилсин;

8, 9, 10, 11-бандлар тегишли равишда 7, 8, 9, 10-бандлар деб ҳисоблансин.

6. 113-моддада:

2, 3, 4 ва 18-бандлар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«2) ССЖИ Президентининг таклифига биноан ССЖИ вазирликларини ва ССЖИ давлат бошқаруви бошқа марказий идораларини тузади ҳамда тугатади;

3) ССЖИ Президентининг тақдимига биноан Бош вазирни тасдиқлайди, ССЖИ Вазирлар Маҳкамасининг аъзолигига ва ССЖИ Хавфсизлиги Кенгашининг аъзолигига номзодларга сессияда розилик беради ёки уларни рад қилади, мазкур шахсларни лавозимидан озод этишга розилик беради;

4) ССЖИ Олий судини, Олий ҳакамлик судини сайлайди, ССЖИ Бош прокурорини тайинлайди, ССЖ Иттифоқи прокуратурасининг ҳайъатини тасдиқлайди. ССЖИ Назорат палатасининг раисини тайинлайди»;

«18) ССЖИ Вазирлар Маҳкамасининг ҳужжатлари ССЖИ Конституциясига ва ССЖИ қонунларига мувофиқ келмаган тақдирда уларни бекор қилиш ҳуқуқига эга»;

модда қуйидаги мазмундаги янги банд билан тўлдирилсин ва бу банд 19-банддан кейин жойлаштирилсин:

«ССЖИ халқ депутатларининг съездлари ўртасидаги даврда умумхалқ овоз бериши (ССЖИ референдуми)ни ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилади»;

20-банд 21-банд деб ҳисоблансин.

7. 114-модданинг биринчи қисмидаги «ССЖИ Вазирлар Кенгашига» сўзлари «Федерация Кенгашига» деган сўзлар билан алмаштирилсин, «ССЖИ Бош давлат ҳакамига» сўзлари «ССЖИ Олий ҳакамлик судига» сўзлари билан алмаштирилсин, «ССЖИ Халқ назорати комитетига» сўзлари чиқариб ташлансин.

8. 118-модда қуйидаги мазмундаги тўртинчи қисм билан тўлдирилсин:

«ССЖИ Олий Кенгаши Раёсатининг тўхтамлари қарорлар тарзида расмийлаштирилади».

9. 121-модданинг иккинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«ССЖИ Вазирлар Маҳкамаси, ССЖИ Олий суди, ССЖИ Олий ҳакамлик суди, ССЖ Иттифоқи прокуратурасининг ҳайъати таркибига мансабдор шахслар, шунингдек ССЖИ назорат палатасининг раиси ССЖИ Олий Кенгаши палаталари тегишли доимий комиссияларининг ёки Олий Кенгаш комитетларининг хулосаси бўлган тақдирда тайинланади ва сайланади».

10. 122-моддадаги «ССЖИ Вазирлар Кенгашига» сўзлари «ССЖИ Вазирлар Маҳкамасига» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

11. 124-моддада:

4-банддаги «ССЖИ Вазирлар Кенгаши» сўзлари «ССЖИ Вазирлар Маҳкамаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

5-бандаги «ССЖИ Вазирлар Кенгаши», «ССЖИ Халқ назорати комитети», «ССЖИ Бош давлат ҳакамими» сўзлари тегишли равишда «ССЖИ Вазирлар Маҳкамаси», «ССЖИ Назорат палатаси», «ССЖИ Олий ҳакамлик суди» сўзлари билан алмаштирилсин;

саккизинчи қисмидаги «ёки ССЖИ Вазирлар Кенгаши» сўзлари «ССЖИ Президентига, ССЖИ Вазирлар Маҳкамасига»» сўзлари билан алмаштирилсин.

12. 125-модданинг иккинчи ва учинчи қисмлари қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«ССЖИ Олий Кенгаши ССЖИ Назорат палатасининг фаолиятига раҳбарлик қилади, Иттифоқ бюджети маблағларининг тушиши ва сарфланиши Умумиттифоқ мулкидан фойдаланилиши устидан назорат қилиш натижалари тўғрисида унинг ҳисоботларини вақти-вақти билан тинглаб туради.

ССЖИ Назорат палатасини ташкил этиш ва унинг фаолият тартиби ССЖИ Қонуни билан белгиланади».

13. $127^{3}$-моддада:

4-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«4) давлат бошқаруви идоралари системасига бошчилик қилади ва уларнинг ССЖИ давлат ҳокимияти олий идоралари билан ўзаро алоқасини таъминлайди»;

6-банд 7-банд деб ҳисобланиб, ундан «ССЖИ Вазирлар Кенгашининг Раиси», «ССЖИ Халқ назорати комитетининг раиси» сўзлари олиб ташлансин ва «ССЖИ Бош давлат ҳаками» сўзлари «ССЖИ Олий ҳакамлик судининг раиси» сўзлари билан алмаштирилсин;

7-банд 6-банд деб ҳисобланиб, у қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«6) Федерация Кенгашининг фикрини эътиборга олиб ва ССЖИ Олий Кенгаши билан келишиб, ССЖИ Вазирлар Маҳкамасини тузади, унинг таркибига ўзгаришлар киритади, Бош вазир лавозимига номзодни ССЖИ Олий Кенгашига тақдим этади; ССЖИ Олий Кенгаши билан келишиб, Бош вазирни ва ССЖИ Вазирлар Маҳкамасининг аъзоларини лавозимидан озод қилади»;

9-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«9) ССЖИ Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларини, ССЖИ вазирликларининг, унга қарашли бошқа идораларнинг ҳужжатларини бекор қилишга ҳақлидир; ССЖ Иттифоқи ихтиёрига ўтказилган масалалар юзасидан жумҳуриятлар вазирлар кенгашларининг қарорлари ва фармойишлари ССЖИ Конституциясига ва ССЖИ қонунларига хилоф бўлган тақдирда уларнинг ижросини тўхтатиб қўйиш ҳуқуқига эгадир»;

Модда қуйидаги мазмундаги 9/1 банд билан тўлдирилсин:

«$9/^{1}$ ССЖИ Хавфсизлик Кенгашига бошчилик қилади, бу кенгашнинг зиммасига мамлакат мудофааси соҳасида Умумиттифоқ сиёсатини турмушга татбиқ этиш, унинг пухта давлат, иқтисодий ва экологик хавфсизлигини сақлаб туриш, табиий офатларнинг ва бошқа фавқулодда вазиятларнинг оқибатларини бартараф этиш, жамиятда барқарорликни ва ҳуқуқий тартиботни таъминлаш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқиш вазифаси юклатилади. ССЖИ Хавфсизлик Кенгашининг аъзолари ССЖИ Президенти томонидан Федерация Кенгашининг, фикрини эътиборга олиб ва ССЖИ Олий Кенгаши билан келишиб тайинланади».

14. $127/^{4}$-модда қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«**$127^{4}$-модда.** ССЖИ Президентига номзоднинг таклифига биноан ва у билан бирга ССЖИ Вице-президенти сайланади. ССЖИ Вице-президенти ССЖИ Президентининг топшириғига биноан унинг айрим ваколатларини бажаради ва Президент йўқ бўлган ҳамда у ўз вазифаларини амалга ошириш имкониятига эга бўлмаган тақдирда ССЖИ Президентининг ўрнини босади.

ССЖИ Вице-президенти халқ депутати бўлиши мумкин эмас».

15. $127/^{5}$, $127/^{6}$, $127/^{9}$-моддалар чиқариб ташлансин.

16. $127/^{7}$, $127/^{8}$-моддалар тегишли равишда $127/^{5}$, $127/^{6}$-моддалар деб ҳисоблансин.

17. $127/^{10}$-модда $127/^{7}$-модда деб ҳисоблансин ва ундаги «ССЖИ Олий Кенгашининг Раисига», «ССЖИ Вазирлар Кенгашининг Раисига» сўзлари тегишли равишда «ССЖИ Вице-президентига», «ССЖИ Олий Кенгашининг Раисига» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

18. ССЖИ Конституцияси қуйидаги мазмундаги «Федерация Кенгаши» деган $15/^{12}$-янги боб билан тўлдирилсин:

«$15/^{2}$ боб. Федерация Кенгаши.

**$127^{8}$-модда.** ССЖИ Президенти Федерация Кенгашига бошчилик қилади, унинг таркибига ССЖИ Вице-президенти, жумҳуриятларнинг президентлари (олий давлат мансабдор шахслари) кирадилар. Федерация Кенгашининг мажлисларида мухтор вилоятлар ва мухтор округларнинг олий давлат мансабдор шахслари бу мухториятлар манфаатларига дахлдор масалалар юзасидан ҳал қилувчи овоз ҳуқуқи билан қатнашишга ҳақлидирлар.

Федерация Кенгаши ССЖИ халқ депутатлари Съезди белгилаб берган ССЖ Иттифоқи ички ва ташқи сиёсати йўналишлари асосида иттифоқ ва жумҳуриятлар давлат бошқаруви олий идораларининг фаолиятини мувофиқлаштириб туради, Иттифоқ шартномасига риоя этилишини кузатиб боради, Совет давлатининг миллий сиёсатини турмушга татбиқ этиш чора-тадбирларини белгилайди. Жумҳуриятларнинг Умумиттифоқ аҳамиятига молик масалаларни ҳал этишдаги иштирокини таъминлайди, миллатлараро муносабатлардаги баҳсларни ҳал этиш ва можароли вазиятларни бартараф қилиш юзасидан тавсияномалар қабул этади.

Ўзларининг миллий-давлат тузилмаларига эга бўлмаган халқларнинг манфаатларига дахлдор масалалар Федерация Кенгашида шу халқлар вакилларининг иштирокида кўриб чиқилади.

**$127^{9}$-модда.** Федерация Кенгашининг аъзоси бўлган жумҳурият олий давлат мансабдор шахси жумҳуриятнинг суверенитети ва қонуний манфаатларини ифодалаш ва ҳимоя қилиш билан бирга, Федерация Кенгаши муҳокамасига қўйилган барча масалаларни ҳал этишда қатнашади.

Федерация Кенгашининг аъзоси тегишли жумҳуриятда Федерация Кенгашининг қарорлари турмушга татбиқ этилишини таъминлайди, шу қарорларнинг ижросини назорат қилади; Иттифоқ идораларидан ва мансабдор шахслардан барча зарур маълумотларни олади; давлат бошқаруви иттифоқ идораларининг қонунда белгилаб қўйилган жумҳурият ҳуқуқларини бузадиган қарорларига норозилик билдириши мумкин; ССЖИ Президентининг топшируви биноан чет элларда ССЖ Иттифоқи номидан вакиллик қилади ва бошқа ваколатларни амалга оширади.

**$127^{10}$-модда.** Федерация Кенгашининг қарорлари овозларнинг камида учдан икки қисмидан иборат кўпчилик билан қабул этилади ва ССЖИ Президентининг Фармонлари билан расмийлаштирилади.

Федерация Кенгашининг мажлисларида ССЖИ Олий Кенгашининг Раиси иштирок этиши мумкин».

19. 16-бобнинг номи қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«16-боб. ССЖИ Вазирлар Маҳкамаси».

20. 128-модда қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**128-модда.** ССЖИ Вазирлар Маҳкамаси ССЖ Иттифоқининг ижроия-бошқарув идораси бўлиб, ССЖИ Президентига бўйсунади».

21. 129-модда қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«**129-модда.** ССЖИ Вазирлар Маҳкамаси ССЖИ Бош вазиридан, унинг ўринбосарларидан ва ССЖИ вазирларидан иборат бўлади.

ССЖИ Вазирлар Маҳкамасининг тузилиши ССЖИ Президентининг таклифига биноан ССЖИ Олий Кенгаши томонидан белгиланади.

ССЖИ Вазирлар Маҳкамасининг ишида жумҳуриятларнинг ҳукумат бошлиқлари ҳал қилувчи овоз ҳуқуқи билан қатнашишлари мумкин».

22. 130-модда қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«**130-модда** ССЖИ Вазирлар Маҳкамаси ССЖИ Президенти ва ССЖИ Олий Кенгаши олдида жавобгардир.

Янги тузилган ССЖИ Вазирлар Маҳкамаси ССЖИ Олий Кенгашининг муҳокамасига ўз ваколатлари муддатида бўлғуси фаолият режасини тақдим этади.

ССЖИ Вазирлар Маҳкамаси ўз иши ҳақида ССЖИ Олий Кенгаши ҳузурида йилига камида бир марта ҳисоб беради.

ССЖИ Олий Кенгаши ССЖИ Вазирлар Маҳкамасига ишончсизлик билдириши мумкин, бу нарса Вазирлар Маҳкамасининг истеъфосига сабаб бўлади. Шу масалага оид қарор ССЖИ Олий Кенгаши аъзолари умумий сонининг камида учдан икки қисмидан иборат кўпчилик овоз билан қабул этилади».

23. 131-модда қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«**131-модда.** ССЖИ Вазирлар Маҳкамаси давлат бошқарувининг ССЖ Иттифоқи ихтиёрига ўтказилган масалаларини ҳал этишга ҳақлидир, чунки бу масалалар, ССЖИ Конституциясига мувофиқ, ССЖИ халқ депутатлари Съездининг, ССЖИ Олий Кенгашининг ва Федерация Кенгашининг ҳуқуқ доирасига кирмайди».

24. 132-модда қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«**132-модда.** ССЖИ Вазирлар Маҳкамаси:

Жумҳуриятлар билан биргаликда умумий валютага асосланган ягона молия, кредит ва пул сиёсатини ўтказади; Иттифоқ бюджетини тузади ва ижро этади; Умумиттифоқ иқтисодий дастурларини амалга оширади; жумҳуриятлараро тараққиёт фондларини, табиий офатлар ва фалокатларнинг оқибатларини тугатиш фондларини вужудга келтиради;

жумҳуриятлар билан биргаликда мамлакатнинг яхлит ёқилғи-энергетика ва транспорт системаларини бошқаради; мудофаа корхоналарини, фазошунослик тадқиқотларини, Иттифоқ алоқа ва ахборот, метеорология, геодезия, картография, геология, метрология ва стандартлаш системаларини бошқаради; табиатни муҳофаза қилиш, экология хавфсизлиги ва табиатдан фойдаланиш соҳаларида келишиб олинган сиёсатни ўтказади;

жумҳуриятлар билан биргаликда Умумиттифоқ озиқ-овқат, сиҳат-саломатлик, ижтимоий таъминот, аҳолини иш билан таъминлаш, оналик ва болалик ҳақида ғамхўрлик қилиш, маданият ва таълим, фундаментал илмий тадқиқотлар ва фан-техника тараққиётини рағбатлантириш дастурларини амалга оширади;

мамлакат мудофаасини ва давлат хавфсизлигини таъминлаш чора-тадбирларини кўради;

ССЖ Иттифоқининг ташқи сиёсатини амалга оширади, ССЖ Иттифоқининг ташқи иқтисодий фаолиятини бошқаради, жумҳуриятларнинг ташқи сиёсий ва ташқи иқтисодий фаолиятини, бож ишини мувофиқлаштириб туради;

қонунийликни, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш, мол-мулкни ва жамоат тартибини сақлаш, жиноятчиликка қарши кураш юзасидан жумҳуриятлар билан келишиб олинган чора-тадбирларни амалга оширади».

25. 133-модда қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«**133-модда.** ССЖИ Вазирлар Маҳкамаси ССЖИ қонунлари ва ССЖИ халқ депутатлари Съездининг, ССЖИ Олий Кенгашининг бошқа қарорлари, ССЖИ Президентининг Фармонлари асосида ва уларни ижро этиш юзасидан қарорлар ва фармойишлар чиқаради ҳамда уларнинг ижросини текширади. ССЖИ Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари ССЖИнинг бутун ҳудудида ижро этилиши мажбурийдир».

26. 134-модда чиқариб ташлансин.

27. 135-модда қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«**135-модда.** ССЖИ Вазирлар Маҳкамаси ССЖИ вазирликларининг ва унга бўйсунувчи бошқа идораларнинг ишини бирлаштириб, йўналтириб туради.

Давлат бошқаруви масалаларини келишиб ҳал қилиш учун ССЖИ вазирликларида ва давлат бошқаруви бошқа марказий идораларида ҳайъатлар тузилади, уларнинг таркибига лавозимига кўра жумҳуриятлар тегишли идораларининг раҳбарлари киради».

28. 136-модда қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«**136-модда.** ССЖИ Вазирлар Маҳкамасининг ҳуқуқ доираси, унинг фаолияти тартиби, давлатнинг бошқа идоралари билан муносабатлари, шунингдек ССЖИ вазирликлари ва давлат бошқаруви бошқа марказий идораларининг рўйхати ССЖИ Қонуни билан белгиланади».

29. 140-моддадаги «ССЖИ Вазирлар Кенгашининг қарорлари ва фармойишлари» сўзлари «ССЖИ Президентининг ва ССЖИ Вазирлар Маҳкамасининг ҳужжатлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

30. 145-модда қуйидаги мазмундаги иккинчи қисм билан тўлдирилсин:

«Халқ депутатлари маҳаллий Советларидан ташқари маҳаллий ўзини ўзи бошқариш системасида жумҳуриятларнинг қонунларига мувофиқ ҳудудий жамоат ўзини ўзи бошқариш идоралари, фуқароларнинг йиғилишлари, бевосита демократиянинг бошқа шакллари иш кўришлари мумкин».

31. 149-модда қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«**149-модда.** Халқ депутатлари маҳаллий Советлари сайлайдиган ижроия комитетлари ёки бошқа идоралар мазкур маҳаллий Советларнинг ижрочи ва бошқарувчи идораларидир.

Маҳаллий Советларнинг ижрочи ва бошқарувчи идоралари йилига камида бир марта ўзларини сайлаган Советлар ҳузурида, шунингдек меҳнат жамоаларининг йиғилишларида ва фуқаролар истиқомат қиладиган жойда ҳисоб бериб турадилар».

32. 150-модда қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«**150-модда.** Халқ депутатлари маҳаллий Советларининг ижрочи ва бошқарувчи идоралари ССЖИ қонунларини, ССЖИ Президентининг Фармонларини, ССЖИ ва жумҳуриятлар давлат ҳокимияти ва бошқаруви олий идораларининг ўз ҳуқуқлари доирасида қабул этган бошқа ҳужжатларини бажаришга мажбурдирлар.

Маҳаллий Советларнинг ижрочи ва бошқарувчи идоралари ўзларини сайлаган Советга ҳам, шунингдек юқори ижрочи ва бошқарувчи идорага ҳам бевосита ҳисобот берадилар».

33. VII бўлимнинг номи қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«VII. Одил судлов ва прокурор назорати».

34. 20-бобнинг номи қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«20-боб. Судлар».

35. 152-модданинг еттинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин: «Судьялар ва халқ маслаҳатчилари қонунда белгиланган тартибда чақириб олиниши мумкин».

36. 163-модда қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«**163-модда.** ССЖИда хўжалик низоларини ҳал этиш ССЖИ Олий ҳакамлик суди томонидан ва жумҳуриятларда хўжалик низоларини ҳал этиш учун уларнинг қонунларига мувофиқ тузиладиган идоралар томонидан амалга оширилади.

Низоларни ҳал этиш соҳасида судьяларнинг фаолиятига ҳар қандай идораларнинг, ташкилотларнинг ва мансабдор шахсларнинг аралашувига йўл қўйилмайди.

ССЖИ Олий ҳакамлик судини ташкил этиш ва унинг фаолияти тартиби ССЖИ Қонуни билан белгиланади».

37. 164, 166, 167, 168-моддалар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«**164-модда.** ССЖИ қонунларининг барча вазирликлар ва давлат бошқаруви бошқа идоралари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, халқ депутатлари маҳаллий Советлари, уларнинг ижрочи ва бошқарувчи органлари, сиёсий партиялар, жамоат ташкилотлари ва оммавий ҳаракатлар, мансабдор шахслар, шунингдек фуқаролар томонидан аниқ ва бир хил тарзда ижро этилиши устидан назоратни ССЖИ Бош прокурори, иттифоқдош жумҳуриятларнинг прокурорлари ва уларга бўйсунувчи прокурорлар амалга оширадилар».

«**166-модда.** Жумҳуриятларнинг прокурорлари жумҳуриятларнинг давлат ҳокимиятлари олий идоралари томонидан ССЖИ Бош прокурори билан келишиб тайинланадилар ва уларга ҳисоб берадилар. ССЖИ қонунларининг ижро этилиши устидан назорат қилиш соҳасидаги фаолиятда жумҳуриятларнинг прокурорлари ССЖИ Бош прокурорига ҳам ҳисобот берадилар.

**167-модда.** ССЖИ Бош прокурорининг ваколат муддати — беш йил.

**168-модда.** Прокуратура органлари ўз ваколатларини ҳар қандай маҳаллий идоралардан мустақил равишда амалга оширадилар.

Прокуратура органларини ташкил этиш ва уларнинг фаолият тартиби ССЖ Иттифоқи ва иттифоқдош жумҳуриятларнинг қонунлари билан белгиланади».

**Совет Социалистик Жумҳуриятлари Иттифоқининг Президенти**

**М. ГОРБАЧЕВ.**

Москва, Кремль.
1990 йил 26 декабрь.

---

## ССЖИ ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИНИНГ ТЎРТИНЧИ СЪЕЗДИДА

*Ёзувчи, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси бошқарувининг биринчи котиби, ССЖИ Ёзувчилар уюшмаси бошқаруви котиби*

# *Депутат О. ЁҚУБОВ нутқи*

**(ССЖИ Ёзувчилар уюшмасидан, Тошкент шаҳри)**

Ҳурматли ўртоқлар! Съездда сўзга чиққан деярли барча нотиқлар миллий низолар, миллатлар ўртасида тўқнашувлар ҳақида қалблари ташвишу аламга тўлиб гапирдилар. Бундайин кулфатни келтириб чиқараётган сабаблар кўп, бироқ битта сабаб, айниқса, аксарият нутқларда такрор-такрор айтилдики, бу — иқтисодий тенгсизлик муаммосидир. Гўё шундай ҳол юз берганки, ҳар бир жумҳурият мамлакатнинг бу умумий бебарака қозонига бошқаларга қараганда кўпроқ масаллиғ солаётиру, бироқ унинг «нонини» бошқалар «туя» қилиб кетаётир. Ҳурматли ўртоқ Борис Николаевич Ельцин бир сафар ҳатто шундай гапни айтишни ўзига эп кўрди: у бошқараётган жумҳурият 70 йиллик Совет ҳокимияти даврида мамлакатдаги бошқа барча жумҳуриятлар халқларини фақат едириб-ичиргангина эмас, боқиб келгани учун гўё ўзи ғариб аҳволга тушиб қолган эмиш.

Тобора авжга минаётган бу тортишувларнинг сабаби менимча шундаки, бир маҳаллар «бутун дунё пролетарлари доҳийси» ғайриқонуний қарор чиқарган эдики, бу қарор ҳар бир халқнинг Умумиттифоқ хазинасига қўшаётган ҳиссасини қатъий суратда сир тутиб келишга имкон яратди.

М. С. Горбачев ўзининг якунловчи нутқида бизнинг машҳур юртдошимиз Хўжа Насриддинни эслатиб ўтди. Мен Хўжа Насриддин ҳақида гапирмоқчиман. Бизда қадимда «ҳалфана» деган бир одат бўлган. Бу удумга кўра бир неча ялангоёқ, камбағал бир жойга тўпланиб ош дамлаган. Бири гўшт сотиб олган, бошқа бири думба, учинчиси — гуруч, чўнтагида сариқ чақаси ҳам бўлмаган мулла мирқуруқ, гадоси эса бир бош саримсоқ олиб келган.

Ялангоёқ дарвешларнинг бу зиёфатига Хўжа Насриддин раҳнамолик қилган. Улар олдиндан ошни ҳамма баравар ейиши керак, деган ўзаро битим тузишган. Бироқ баъзан шундай ҳам бўлганки, бир бош саримсоқ олиб келган гадо гўшт сотиб олиб келган ҳамтовоғидан кўра ошни кўпроқ туширишга уринган. Шундай пайтларда Хўжа Насриддин ёғоч қошиқ билан одобсизнинг бошига секин уриб қўйган.

Бугунги кунда Хўжа Насриддиннинг усулини қўллай олмайсиз, чунки сиз қўшнингизнинг бошига қошиқ билан туширсангиз, у сизнинг бошингизга чўмич билан солади. **(Залда кулги).** Нима қилиш керак? Менингча бунинг биттагина йўли бор, у ҳам бўлса статистикадаги Сталин жорий этган ғайри-қонуний сир сақлашни бекор қилиш керак. Негаки, бугун ҳар бир халқ умумиттифоқ хазинасига қўшаётган ўз ҳиссасини аниқ билишни истайди, устига-устак бу ҳиссанинг баҳоси Маслюков ва Воронин ўртоқлар ўзбошимчалик билан тайин этган нархларда эмас, балки жаҳон бозоридаги, дейлик ҳам нонга, ҳам бензинга, ҳам кўмирга ва ҳам пахтага тўланаётган аниқ муайян баҳоларда белгиланмоғи керак. Шундай қилинса, ким боқиманда экани, ким кимни боқаётгани ўз-ўзидан равшан бўлади-қолади. Боз устига ўзаро таъналар, хафагарчиликлар, тош отишларга чек қўйилади. Энг муҳими — бу нарса меҳнат кишисининг қадр-қимматини ҳам барча халқларнинг қадриятини жой-жойига қўярди.

Биз шуни унутмаслигимиз керакки, жаҳондаги ҳар бир илғор халқ ўз ҳаётини ва келажак учун белгиланган план-режаларини тузганда чуқур илмий ҳисоб-китобларга асосланади. Фақат бизнинг ҳисоб китоб (статистика) ҳамон Сталин давридаги маъмурий-бюрократик аппаратнинг буйруқларига бўйсунган ҳолда факт ва рақамларни, бу деган сўз, ҳар бир халқнинг умумдавлат хазинасига қўшаётган ҳиссасини бузиб кўрсатади, оқибатда ССЖИга кираётган бирор-бир жумҳурият халқи умумдавлат бойлигига қўшаётган ўз ҳиссасини ҳануз билмай келаётир.

Энди яна бир фикр. Бу фикр ҳам одамларни ҳаяжонга солаётган энг катта ташвиш — жиноятчиликнинг ортиб бораётгани билан боғлиқдир. Бу — ҳақиқий кулфатга айланди! Одамлар беҳаловат. Мамлакатда қазиб олинаётган темирнинг ярми темир эшиклар ясашга сарф этилмоқда: бироқ бундан наф йўқ: менинг бир ветеран дўстим уйига ўн пудлик сейф қурдирди, лекин бундан ҳам фойда чиқмади — унинг топган-тутганини сейф-пейфи билан кўтариб кетишди. **(Залда кулги).**

Майли, кетгани худо йўлига-ю, бироқ арзимаган нарса учун гуноҳсиз, ҳимоясиз одамларга нисбатан шафқатсизлик қилиняпти. Шу боисдан, менинг назаримда, ўртоқ Крючков чет эл айғоқчиларини тутиб олиш ҳаракатида юрган ўз қўшинларининг бир қисмини жиноятчилар билан курашга сафарбар этиб, тўғри иш қилди. Фақат истар эдимки, ўртоқ Крючков бу шпионларни «халқлар отаси» давридагидек, ҳар хил ижодий уюшмалар ва илмий институтлардан қидириб юрмасин, чунки бунга эҳтиёж ҳам йўқ: ҳаёт шуни кўрсатаётирки, биз яқин орада ўз союзларимизда бир-биримизнинг гўштимизни еб битирсак керак **(Залда кулги).**

Бироқ менинг ўйлашимча, ўртоқ Крючковнинг бу ташаббуси ҳали етарли эмас. Ўйлаб кўриш лозим: балки баъзи ҳарбий қисмлардан ҳам фойдаланиш керакдир. Бу шунчаки мулоҳаза учун ўртага ташланган бир фикр. Чунки жиноятчиликнинг авж олиши оқибатлари жамиятни жуда ёмон аҳволга солиши мумкин. Тез орада бирор-бир чора кўрмоқ лозим. Хуллас, биз шуни унутмаслигимиз керакки, бу муаммо халқни озиқ-овқат муаммосидан кўра кам безовта қилаётгани йўқ, халқ Съезддан муҳим қарорлар қабул қилишни муштоқ бўлиб кутаётир. **(Қарсаклар).**



**Янгиқўрғон район тиббиёт бирлашмаси бош шифокори ўринбосари Абдували Ёқубов ўз касбининг фидойисигина эмас, балки моҳир тарғиботчи сифатида ҳам ҳурмат-эътибор қозонган. У партия тарихий ҳужжатлари моҳиятини оммага чуқур сингдириш, иқтисодий ўқув машғулотларини қизиқарли ўтказишда бошқаларга намуна бўлмоқда. Сўз устаси билим ва маҳоратини ошириб боради, маҳаллий далиллар, матбуот янгиликларидан унумли фойдаланади. Шу боис ҳар бир суҳбати кўпчиликда катта қизиқиш уйғотаяпти.**

**СУРАТДА: сўз устаси А. Ёқубов.**

Т. ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

